# Асал ва ердан чиққан зироатларнинг закоти | Фиқҳ дарслари (313-дарс)




19:00 / 09 январь 106

????? ?????? ?????? ???????????? ???? ?????? ?????????? ????? ?????? ???? ????????? ?????? ?????: ??????? ???? ??????? ?????? ???? ??????? ?????? ??? ?????? ??????.

???????? ?????? ???? ?????? ???????? ???? ????????? ????? ?????? ?????? ?????????.

??????? ?????????? ??????????? ???????????
?????????? ??????? ????????? ????????? ?????????
??????????? ??????? ???????????? ?????????????
?????? ????? ??????? ??? ?????? ?????????.
???????? ????????? ????? ???????? ????????
????????? ??? ???????????? ???? ?????? ????????
???????? ?????? ?????????? ?????????????
???????????. ???????????? ????? ?????? ????????
????????? ???????? ???????? ???? ???????????:
????????????. ????????? ???????? ??????????
??????????.

???????????? ?????? ??????? ???????????? ?????
??????? ?????? ???? ????????? ????????
?????????? ??????? ??????????? ????????

??????????: ????? ?????? ?????? ?????? ????? ???????? ?????? ????? ?????????? ??????? ??????? ?????????? ???????? ????? ???? ????? ???? ??????? ??????????? ??????????? ??????????? ???????? ?????????? ??????????? ????????? ??????????? ??????????? ????????? ??????? ??????? ??? ?????????.

????? ??????? ???? ????????? ???????? ???? ??????? ???? ?????? ?????????? ???? ??????? ????????? ?????. ???????? ???? ?????????? ??????????? ????????? ???? ???????? ??????????? ???? ???????? ????????.

?????? ???????? ?????????? ??????????? ????????
?????? ??????????.

**Оз бўлса ҳам, ушрий ернинг ва тоғнинг асалидану мевасидан ҳамда ердан чиққан нарсалардан, агар уни оқин сув ёки ёмғир суғорган бўлса, ушр берилади.**

**Илло, ўтинга ўхшаш нарсада ушр йўқ.**

**Агар катта пақир ёки чархпалак ила суғорилса, ушрнинг ярми берилади. Бунда зироат учун қилинган харажат чиқариб ташланмайди.**

**Осмон, булоқ ва қудуқнинг суви ушрийдир. Ажамлар қазиган анҳорларнинг суви харожийдир. Шунингдек, Абу Юсуфнинг наздида тўрт анҳорнинг суви ҳам. Муҳаммаднинг наздида эмас. Араб ерлари, аҳли Исломни қабул қилиб, уларнинг қўлида қолган ерлар ёки куч билан фатҳ қилиниб, лашкарларимизга тақсимлаб берилган ерлар ва Басра ушрийдир. Ироқ ерлари ва куч билан фатҳ қилиниб, ўз эгаларига қолдирилган ёки сулҳ тузилган ерлар харожийдир. Очилган қўриқ ер ўз яқинидаги ер эътиборида бўлади.**

**Харож икки хил бўлади. Биринчиси – муқосама харожи. Унда чиққан маҳсулнинг чораги ёки шунга ўхшаш маълум қисми тайин қилинади. Харожнинг энг  кўпининг чегараси маҳсулнинг ярим миқдоридир. Иккинчиси – муваззаф харож. Бу Умар розияллоҳу таоло анҳу  Савод ерлари аҳлига солган солиққа ўхшайди. Сув етадиган ҳар бир жарийбга бир соъ буғдой ёки арпа ҳамда бир дирҳам.  Бир жарийб сабзавот майдонига беш дирҳам. Дарахтлари бир-бирига туташган бир жарийб токзор ва хурмозорга унинг икки баробари. Ундан бошқа нарсаларда тоқатига қараб белгиланади.**

**Агар ердан сув узилиб қолса ёки** (сел ва шунга ўхшаш) **сув босиб қолса ёки экинга бирор офат етса, харож йўқ. Ернинг эгаси уни ишловсиз қолдирса, харож вожиб бўлади. Агар ер эгаси Исломга кирса ёки ерни мусулмон одам сотиб олса, харож аввалгидек қолаверади.**

**Агар кофир мусулмоннинг ушрий ерини сотиб олса, харож солинади.**

Энди «Мухтасари Виқоя»да келган матнни шарҳлашга ўтайлик.

**Оз бўлса ҳам, ушрий ернинг ва тоғнинг асалидан ушр берилади.**

Бу жумладаги «ушрий ер» дейилганидан харожий ернинг асалидан закот берилмаслиги келиб чиқади. Бунга барча уламолар иттифоқ қилганлар.

Умуман, уламолар асалнинг закоти ҳақида турли ижтиҳодлар қилганлар.

???? ??????? ???? ????????? ???? ???????? ????
??????? ????? ????? ?????? ?????: ????? ???????
?????? ????? ????????? ????? ??????? ????? ??????
????? ???????? ????????? ????????? ?????? ?????
??????? ???????? ???? ???????? ???? ????????
??????? ???? ????????? ??????????? ?????????
?????? ????? ???????? ?????????? ????????
??????? ?????? ???? ??????????? ?????? ????
????????? ????????? ???? ?????? ?????????? ????
??????? ???????? ???? ??????: ???? ??????
???????? ??? ????? ???????? ????? ??????? ?????

?????? ????? ???????? ????????? ???? ???????
???????? ??????? ???? ????????? ????????
?????????? ???? ??????? ?????? ?????????? ????
???????. ??????? ????? ??????? ???????????????
?????????????????.

Амр ибн Шуъайб, отаси ва бобоси розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

**«Бану Мутъондан бири бўлган Ҳилол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ўз асалларининг ушрини олиб келди. У ул зотдан Салаба деб номланадиган водийни қўриқхона қилиб беришларини сўраган, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг сўровига жавоб берган эдилар. Умар ибн Хаттоб бошлиқ бўлганида унинг омили Суфён ибн Ваҳб ундан ўша ҳақда сўраб** (мактуб) **ёзди. Умар унга:**

**«Агар сенга асаларисининг ушридан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга адо қиладиган нарсани адо қилса, сен унга Салабани қўриқхона қилиб бер. Бўлмаса, у ёмғирдан кейинги пашшага ўхшаган нарса, уни ким хоҳласа, еяверади», деб ёзди».**

*Абу Довуд, Насоий ва Табароний ривоят қилишган.*

???? ????? ?????? ?????? ????? ?????????? ????
?????????? ?????? ????? ???????? ????????? ?????:
«??? ????????? ??? ????? ???????? ??????? ?????».

??????? ?????????????? ??????? ???????.

??????????: «???? ????? ?????? ?????? ????????».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Асалдан ҳар ўн мешчадан бир мешча», дедилар».**

*Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

*Абу Довуднинг лафзида:*

**«Ҳар ўн мешчадан бир мешча»**, дейилган.

Демак, асалдан ушр (ўндан бир) берилар экан. Ҳанафий ва ҳанбалий мазҳаблари ушбу ривоятларни ҳужжат ва далил қилиб: «Асалдан ушр берилади», дейдилар ва яна бошқа далиллар ҳам келтирадилар:

???? ??????????? ???? ??????? ???? ?????
?????????? ?????: ?????? ???????????
???????????? ?????: ??????: ??? ??????? ??????
????? ??? ???????? ?????: «????? ??????????».
?????: ??????: ????? ??? ?????????? ?????: ???????
??? ?????????. ??????? ???????? ??????? ???????.

*1. Сулаймон ибн Мусодан, Абу Сайёрадан, Абдурраҳмон ал-Мутъийдан ривоят қилинади:*

**«Эй Аллоҳнинг Расули, асаларим бор?» дедим. Ул зот:**

**«Ушрни адо қил», дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, менга тоғни қўриқхона қилиб беринг», дедим. Менга асаларининг тоғини қўриқхона қилиб бердилар».**

*Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

????? ????? ????? ???????? ???????????????? ????
?????? ???? ????? ??????? ?????????? ?????:
???????? ?????????? ? ????????????? ????????: ???
??????? ?????? ??????? ????????? ??? ??????????
????????? ????????? ????????????????
??????????? ???????????????? ????? ?????? ??????
??????????? ???????????????? ?????? ?????? ?????
??????? ???????? ?????? ????? ????????? ?????:
??? ??????? ??????? ??????? ?????????? ?????????
??? ?????? ??? ????? ??? ???????? ??????????
???????: ???? ?????? ??????: ??????????

?????????? ???????? ?????????? ?????????? ????

?????? t? ????????? ???????? ??? ?????????

??????????????.

*2. Ибн Абу Шайба ва Байҳақий Саъд ибн Зубоб Давсийдан қилган ривоятда у айтади:*

**«Набий алайҳиссаломнинг олдиларига келиб, мусулмон бўлдим ва:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Қавмим мусулмон бўлган пайтда қўлларидаги нарсаларини ўзларида қолдиринг», дедим. Ўшандай қилдилар ва мени уларга омил қилиб олдилар. Набий алайҳиссаломдан кейин Абу Бакр мени омил қилиб олди. Абу Бакрдан кейин Умар мени омил қилиб олди».**

**У ўз қавмининг олдига бориб:**

**«Эй қавмим! Асалнинг ушрини адо қилинглар. Закоти берилмаган молда яхшилик йўқ», деди.**

**«Қанча оласан?» дейишди.**

**«Ушрини», дедим.**

**Бас, улардан ушрни олиб, Умарга олиб бордим. У уни сотди ва пулини мусулмонларнинг садақаларига қўшди».**

Бу борада яна бошқа бир нечта ривоятлар ҳам келтирилади.

Асал турли ўсимликлар ва дарахтларнинг гулидан йиғилади. У ейилади ва сақланади. У мулк бўлади, сотилса, даромад келтиради. Бинобарин, зироат ва мевалардан закот фарз бўлганидек, асалдан ҳам фарз бўлиши керак.

Моликий ва шофеъий мазҳаблари: «Асалда закот йўқ», дейдилар.

Уларнинг фикрича, асалдан закот олиниши ҳақида собит хабар йўқ. Асал ҳайвондан чиқадиган суюқлик бўлиб, худди сутга ўхшайди. Сутдан закот олинмаганидек, асалдан ҳам закот олинмайди.

Уламолар: «Ҳанафий ва ҳанбалий мазҳабларининг далиллари кучли, асалдан ушр олинади», дейдилар.

Қуръон ва ҳадисда зикр қилинмаган ҳайвонлар пайдо бўлса, зикри борларига қиёс қилинади, агар шартлари тўғри келса, улардан ҳам закот чиқарилади. Зотан, Ислом шариатининг барча замон ва маконларга мослиги ҳам шунда. Қуръон ва суннат бош масалаларни кўрсатиб, йўлловчи қоидаларни асослаб беради. Мусулмон уламолар янги пайдо бўлган масалаларни улар асосида ижмоъ ва қиёс билан бирин-кетин ечиб бораверадилар.

Асалдан ушр бериш фарзлигини ўрганганимиздан кейин «Асал ҳайвондан чиқадиган маҳсулот, асаларидан бошқа ҳайвонлардан чиқадиган маҳсулотлардан ҳам закот олинадими?» деган савол пайдо бўлади.

Келинг, келаси баҳсимизга ушбу саволни сарлавҳа қилиб олайлик.

***«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.